

Ислом КАРИМОВ:

Биз учун айниқса янги асосда мулкдорлар синфи шаклланаётгани, қишлоқларимиз қиёфаси кўз ўнгимизда тубдан ўзгариб бораётгани, одамларнинг маданияти юксалиб, уларнинг турмуш тарзи, онгу тафаккури ва менталитети ўзгараётгани беқиёс аҳамиятга эгадир.

Shu aziz VATAN — barchamizniki!



O'ZBEKISTON OVOZI

2013-yil, 18-aprel. Payshanba • 45-46 (31.636) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

МАМЛАКАТИМИЗ БУЮК КЕЛАЖАГИНИНГ МУСТАҚКАМ АСОСИ



Тошкентдаги Симпозиумлар саройида 17 апрель кунни Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган «Замонавий уй-жой қурилиши — қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.

Анжуманда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари уюшмаси (АСЕАН), ЮНЕСКО ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари ва вазирлари, АҚШ, Хитой, Жанубий Корея, Япония, Буюк Британия, Франция, Германия, Испания, Италия, Ҳиндистон, Россия каби олтиндан зиёд

мамлакатдан 300 дан ортиқ олим, мутахассис ва эксперт иштирок этди. Конференция ўзбекистонда қишлоқ жойларининг қиёфасини тубдан ўзгартириш, худудларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан комплекс ривожлантириш, аҳоли бандлиги ва унинг даромадларини оширишнинг устувор йўналиши ҳамда муҳим шарт шифатида белгиланган намунавий лойиҳалар асосида

қишлоқ аҳоли пунктларини обод этиш ва яқка тартибдаги замонавий уй-жой қурилишига доир дастурлар ижроси натижаларини ҳар томонлама чуқур ўрганиш, халқаро ҳамжамият ва хорижий экспертларни мамлакатимизда ушбу соҳада эришилаётган ютуқлар билан кенг таништиришга бағишланди. Ҳозирда қишлоқ аҳоли пунктларини обод этиш ва яқка тартибдаги замонавий уй-жой қурилишига доир дастурлар ижроси натижаларини ҳар томонлама чуқур ўрганиш, халқаро ҳамжамият ва хорижий экспертларни мамлакатимизда ушбу соҳада эришилаётган ютуқлар билан кенг таништиришга бағишланди.

Ўзининг юксак самараларини бермоқда. Эл-юрт ободлиги ва фаровонлигини таъминлаш барча соҳадаги ислоҳот ва ўзгаришларнинг бош мақсади этиб белгилангани, халқимиз ўртасида «Ободлик кўнгиладан бошланади» деган чуқур мазмунли ҳикमत тобора кенг тарқалиб, одамларимиз ўз уйи, ўз юртини гўзал ва обод қилиб, шундан ўзи мамнун бўлиб яшаётгани шаҳар ва қишлоқларимизнинг бугунги тароватида яққол намоён бўлмоқда. Айниқса, кейинги йилларда мамлакатимизнинг турли худудларида янги пайдо бўлган ҳамда янги аср қишлоқлари деб юритилаётган кўркам ва чиройли, ўзаро меҳроқибат, аҳиллик, фойз ва барака ҳукмрон аҳоли манзиллари мана шундай олижаноб



TOSHKENT
16-17 APRIL 2013

мақсадларимизнинг амалдаги ифодаси, юртимизни дунёга танитишнинг муҳим омили бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг «ўзбек модели»нинг ўзига хос жиҳатларидан бири қишлоқларимизни изчил ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга устувор аҳамият берилётганидир.

Зеро, Ўртбошимиз таъкидлаганидек, барчамизнинг илдимизимиз, томиримиз авваламбор қишлоқ заминига бориб тақалади. Она Ватан деган улуг ва муқаддас тушунча одамзот учун қишлоқ тимсолидан бошланади. Шу боис ҳам қишлоқларимизни ривожлантиришдан мамлакатимиз тараққиётини, халқимиз фаровонлигини, дастурхонимиз тўқин-сочинлигини таъминлаб бўлмайдими.

Яқин ўтмишимизга назар ташлайдиган бўлсак, бу ҳаққатнинг моҳияти охиригача тушуниб етилмаганига, қишлоқларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари, бу ерда яшовчи одамлар турмуш даражасини яхшилашга юзаси қаралганига гувоҳ бўламиз. Бундай шароитда қишлоқ аҳолисида ўз турмуш даражасини ошириш, хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш, қишлоқларни обод қилиш имкониятлари чекланиши табиий эди. Шу тариха ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси бўйича қишлоқ билан шаҳар ўртасида катта тафовутлар юзга келган.

(Давоми 2-бетда.)

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 17 апрель кунни Оқсаройда «Замонавий уй-жой қурилиши — қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили» мавзусидаги халқаро конференцияда иштирок этиш учун мамлакатимизга ташриф буюрган Ислом тараққиёт банки президенти Аҳмад Муҳаммад Алини қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ислом тараққиёт банкининг аъзо мамлакатларда муҳим ижтимоий ва иқтисодий дастур ва лойиҳаларни кўллаб-қувватлаш орқали изчил ривожланиш ва барқарорлиқни таъминлаш бўйича олиб бораётган бунёдкорлик ишлари Ўзбекистонда юксак баҳолини таъкидлади.

Ислом Каримов Аҳмад Муҳаммад Алининг нуфузли халқаро молия ташкилоти раҳбари сифатида мамлакатимиз билан ҳамкорликни янада кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратаётганини, Ўзбекистоннинг турли соҳалардаги ташаббусларини фаол қўллаб-қувватлаётганини ҳамда юртимизда ўтказилаётган бугунги даврнинг ижроси давом этмоқда. 9 лойиҳани амалга оширишга тайёргарлик кўрилмоқда, уларнинг молиявий қиймати 877,9 миллион долларга тенг.

Шунингдек, техникавий ҳамкорлик доирасида ИТБ томонидан Ўзбекистонга 12 лойиҳа учун 2,7 миллион долларлик грантлар ажратилган. ИТБ раҳбарининг Ўзбекистонга бу галги ташрифи асосида қиймати 36 миллион АҚШ долларига тенг «Тошкент шаҳрининг ташқи ёритиш тизимларини модернизация қилиш ва уларга энергия тежайдиқ технологияларни татбиқ этиш» лойиҳаси бўйича молиявий битим имзоланди.

Ислом тараққиёт банки мамлакатимиз санъатини модернизациялаш, техник ва технология қайта жиҳозлашга ҳамда инфратузилмага оид лойиҳаларни амалга оширишда Араб мувофиқлаштириш гуруҳининг молия институтлари, жумладан, Саудия тараққиёт жамғармаси, Кувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси, ОПЕК жамғармаси, Абу Даби тараққиёт жамғармасининг инвестиция ва кредитларини жалб қилиш борасида асосий мувофиқлаштирувчидир.

Хусусий секторни ривожлантириш бўйича Ислом корпорацияси билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кўллаб-қувватлашга доир лойиҳаларни амалга ошириш Ислом тараққиёт банки гуруҳи билан ҳамкорликнинг муҳим йўналишларидандир. Корпорация томонидан кичик бизнес лойиҳаларини молиялаштириш учун ажратилган маблағларнинг умумий ҳажми 83 миллион долларни ташкил этади.

Музокарада муносабатлар истиқболли ҳамда янги ўзаро манфаатли лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди. Аҳмад Муҳаммад Али самимий қабул учун Ислом Каримовга миннатдорлик изҳор этиб, ИТБ Ўзбекистон билан булдан кейин ҳам самарали ҳамкорликни давом эттиришга тайёр эканини таъкидлади.

Жорий йилда мамлакатимизда

ЎЗА

Эътироф

Роберт ВИНЕР,

«California coalition for rural housing» компаниясининг ижрочи директори (АҚШ):

— Бухоро вилоятида барпо этилган уйларнинг юксак сифати менда унутилмас таассурот қолдирди. Ўзбекистоннинг барча вилоятида бўлгани каби бу ерда ҳам қад ростлаган уйлар жуда чиройли ва яшаш учун қулай экан.

Уйларнинг лойиҳаси, пухта ишланган инфратузилмаси, шинам ва ёруғлиги, барча афзалликларга эга экани, жумладан, электр энергияси, иссиқ ва совуқ сув билан таъминлангани менга ҳар жиҳатдан манзур бўлди.

Бундай уй-жойлар лойиҳасида оилавий шароит ва миллий турмуш тарзига хос барча жиҳат эътиборга олинган. Ана шундай қурилиш ишлари мамлакатимизнинг барча туманларида кенг кўлама давом эттириладигани таҳсинга сазовор.

Ўзбекистон қишлоқларида қуриладиган уйлар лойиҳасидан бошқа мамлакатлар ҳам намуна сифатида фойдаланса арзийди.

Уйлар атрофида қад ростлаган савдо, маънавий хизмат кўрсатиш шохобчалари, мактаблар, спорт мажмуалари ҳам эътиборимни жалб этди. Буларнинг барчаси қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Конференциянинг юксак савияда ташкил этилганини алоҳида таъкидлашни истардим.

Ободлик кўнгиладан бошланади



2009-2012 йилларда намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қуриш бўйича махсус дастурнинг амалга оширилиши натижасида мамлакатимизнинг 159 та қишлоқ туманида 650 та янги қишлоқ уй-жой масиви барпо этилди.

Умумий майдони 3,2 миллион квадрат метр бўлган 23,6 мингдан ортиқ яқка тартибдаги уй-жой қурилди. Ушбу мақсадларга 1,2 миллиард доллардан зиёд миқдордаги инвестициялар йўналтирилди.

Ифтихор

Шоҳмат



ЎЗБЕКИСТОН — ИСТЕЪДОДЛАР МАМЛАКАТИ

Дунёда истеъдодсиз боланинг ўзи йўқ. Лекин қизиқишларига ўз вақтида эътибор бермаслик, гамхўрлик кўрсатмаслик, етарли шароит яратмаслик натижасида унинг интилишлари юзага чиқмай қолиши мумкин.

Президентимиз таъкидлаганидек: «Билимга чанқоқ, истеъдодли ёшларни топиб, уларни Ватанга фидойи инсонлар қилиб тарбиялаш муқаддас вазифадир».

Аслида, шавкатли аждодларимиз истеъдодларни тарбиялаш борасида беқиёс тажрибага эга бўлишган. Хоразмлик Абу Наср ибн Ироқ оддий болани тарбиясига олиб, уни буюк аллома Абу Райҳон Беруний даражасига етказган.

Мирзо Улугбек давлат ишлари ва илм билан машғул бўлишига қарамасдан, Али

Кўшчининг улуғ олим мактабига эришишига шарт-шароит яратган.

Ҳазрат Алишер Навоий рангасвирига меҳр кўйган Камолитдин Бехзодни тенгсиз мусавир бўлиб етиштиришга ўз хиссасини қўшган...

Ортимизнинг шони анъанаси мустақиллик туфайли тикланди. Шуни гурур билан айтиш керакки, мамлакатимизда истеъдод тарбияси давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Бу юртимизда таълим ислохотларининг тобора чуқурлашиб бораётганида, ўқув муассасаларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланаётганида, истеъдодли ўқувчи-ёшларни аниқлаш ва рағбатлантириш мақсадида фан олимпиадалари, кўриктанловлар, фестивал ва спорт мусобақалари ўтказилаётганида яққол намоён бўлмоқда.

Айниқса, бу борада иқтидорли талабаларга Президент стипендияси, Абу Райҳон Беруний, Мирзо Улугбек, Алишер Навоий номидаги Давлат стипендиялари таъсис этилган, адабиёт, маданият, санъат, таълим ва спорт соҳаларида ноёб истеъдодли намоён этган қиз-

ларимизнинг Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланиб борилаётгани муҳим аҳамият касб этмоқда.

1994 йилда шоҳматда дастлабки муваффақиятларга эришган Рустам Қосимжоновга Президентимиз совғаси — замонавий компьютер ва уч юз мингдан зиёд шоҳмат ўйинлари матни ёзилган диск тақдим қилинди, иқтидорли шоҳматчига хомийлар бириктирилди. Бундай эътибор-гамхўрликдан руҳланган Рустам Қосимжонов зиммасидаги вазифани чуқур англади ва Президентимиз раҳнамолигида жаҳон чемпиони бўлди, ҳалқимиз ва дунё шоҳматининг ифтихориغا айланди.

Ортимизда иқтидорли ёшларга мунтазам равишда гамхўрлик кўрсатиб келинмоқ-

да. Дзюдо бўйича икки карра Олимпия ўйинлари бронза медали совриндори, икки карра жаҳон чемпиони, буюқлик Ришод Собировни олайлик. Унга пойтахтимизнинг Алишер Навоий кўчасида янги қурилган муҳташам уйлardan турар-жой ажратилди, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган «Ласетти» автомашинаси совға қилинди...

Шоҳмат бўйича ўзбек қизларидан биринчи бўлиб халқаро гроссмейстер унвони билан сараланган фарғоналик Нафиса Мўминовага Президентимиз совғаси — замонавий компьютер топширилди...

Ишончимиз комил, Обод турмуш йилида Давлат стипендиялари ва Зулфия номидаги Давлат мукофоти лауреатлари бўлган ёшларимизнинг, нуфузли халқаро мусобақаларда голиб чиқиб,

Ватанимиз шухратига шухрат қўшаётган ёш спортчиларимизнинг ибратли фаолияти, уларнинг ноёб истеъдоди ва эришган ютуқларини кенг тарғиб қилишда журналистларимиз, барча ижодкорларимиз фаоллик кўрсатишади.

Улар ҳақидаги таҳлилий материаллар барчада фахрийфтихор туйғусини уйғотиши билан бирга ёшларимизга намуна бўлади, уларнинг ўзларини эса юксак мақсадлар сари ундайди.

Бу ёшлар эртанги кунимизнинг берунийлари, али қушчилари, камолитдин беҳзодлари, рустам қосимжоновлари бўлса не ажаб!

Истеъдодли ёшларимиздан бири шоҳматчи Нафиса Мўминова ҳақидаги мақолани эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

Асрор МўМИН

Учинчи турдан сўнг, бир йўла тўққиз нафар гроссмейстер бирорта ҳам очко йўқотишгани йўқ. Улар орасида ҳамюртларимиздан Марат Жумаев, Алексей Барсовлар ҳам бор. Яна бир етакчи шоҳматчимиз Антон Филиппов эса уч имкониятдан 2,5 очко жамғарган.

Кеча тўртинчи турда муҳлислар бир қатор қизиқарли учрашувларнинг гувоҳи бўлдлар. Жумладан, 1 — 5-тахтада Александр Зубарев — Сергей Федорчук (иккиси ҳам Украина), Олег Корнеев (Испания) — Павел Малетин (Россия), Анвар Исмағамбетов (Қозоғистон) — Максим Туров (Россия), Муртаз Кашғалиев (Қозоғистон) — Марат Жумаев (Ўзбекистон), Антон Филиппов — Алексей Барсов ўзаро донна суришди.

Эслабтиб ўтамиз, ўтган йили россиялик гроссмейстер Максим Туров мусобақада голиб чиққанди. Бу йил ким голиб бўларкин?! Шу нарса аёнки, мurosасиз баҳслар ҳали олдинда.

Самандар БОБОРАЖАБОВ

БАҲСЛАР ҚИЗГИН



Учинчи турдан сўнг, бир йўла тўққиз нафар гроссмейстер бирорта ҳам очко йўқотишгани йўқ. Улар орасида ҳамюртларимиздан Марат Жумаев, Алексей Барсовлар ҳам бор. Яна бир етакчи шоҳматчимиз Антон Филиппов эса уч имкониятдан 2,5 очко жамғарган.

Кеча тўртинчи турда муҳлислар бир қатор қизиқарли учрашувларнинг гувоҳи бўлдлар. Жумладан, 1 — 5-тахтада Александр Зубарев — Сергей Федорчук (иккиси ҳам Украина), Олег Корнеев (Испания) — Павел Малетин (Россия), Анвар Исмағамбетов (Қозоғистон) — Максим Туров (Россия), Муртаз Кашғалиев (Қозоғистон) — Марат Жумаев (Ўзбекистон), Антон Филиппов — Алексей Барсов ўзаро донна суришди.

Эслабтиб ўтамиз, ўтган йили россиялик гроссмейстер Максим Туров мусобақада голиб чиққанди. Бу йил ким голиб бўларкин?! Шу нарса аёнки, мurosасиз баҳслар ҳали олдинда.

Самандар БОБОРАЖАБОВ

Нафиса МўМИНОВА: ЎЗБЕК ҚИЗЛАРИДАН БИРИНЧИ ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ БИЗНИНГ ОИЛАМИЗДАН ЧИҚАДИ...

Халқаро шоҳмат федерацияси Нафиса Мўминовага халқаро гроссмейстер унвони берилгани эълон қилди. Ўзбек қизлари орасидан биринчи бўлиб бундай юксак унвонга эришган шоҳматчи Президентимизнинг махсус совғаси топширилди.

Нафиса Мўминова 1990 йилда Фарғона вилоятининг Ўзбекистон туманидаги Кумбосди қишлоғида туғилган. Дастлаб шу ердаги 45-мактабнинг 9-синфини, кейин маиший-хизмат касб-хунар коллежини тугатган. Ҳозир Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтининг 3-курс талабаси.

Нафиса 2002 йилда 12 ёшгача қизлар ўртасида Ўзбекистон чемпиони бўлди. 2007 йилда жаҳон чемпионатининг минтақавий саралаш мусобақасида биринчи ўринни эгаллаб, ўзбек хотин-қизларидан биринчи бўлиб энг кучли 64 шоҳматчи иштирок этган жаҳон чемпионатида донна сурди.

2008 йилда 18 ёшгача бўлган қизлар ўртасидаги Осиё чемпионатида кумуш медаль билан тақдирланди. 2010 йилда 20 ёшгача бўлган қизлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида кучли тўртликдан жой олди. Ўзбекистон терма жамоаси сафида Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида ўтган Осиё ўйинларида юртдошларимиз Ольга Собирова, Юлдуз Хамроқуллова, Нодира Нодиржонова билан бирга кумуш медални қўлга киритди. 2011 йили Тошкентда ўтказилган 1-Марказий Осиё кубоги ва 2012 йили «Тошкент опен» халқаро турнирида хотин-қизлар ўртасида голиб бўлди.

— Мен оилада тўнғич фарзандман, — дейди Нафиса. Дадам Алишер Мўминов гарчи расмий мусобақаларда иштирок этмаган бўлсада, жуда кучли шоҳматчи ва шоҳмат назарийчиси. Уч ёшимда шоҳмат донналарини юриш қоидаларини ўргатган. Тўрт ёшимда эса да-

дам билан шоҳмат ўйнардик. Мендан кейин икки синглим — Хулкар ва Гулруҳбегим дунёга келган. Тез орада улар ҳам сафимизга қўшилди. Биз уйда оилавий турнирлар ўтказиб турамыз.

— Биринчи бор қачон расмий мусобақаларда иштирок этгансиз?

— Дастлаб дадам мени Кўқондаги шоҳмат мактабига олиб борди. У ерда мураббий Анвар Алиевдан сабоқ олдим. Тинмай машқ қилардим. 1999 йилда 9 ёшимда Тошкентда ўтган Азимиддин Ҳўжаев халқаро хотира турнирида қатнашдим. Ўшанда болалар ўртасида учинчи ўринни олдим. Балки ўша мусобақа менинг тақдиримни буткул шоҳмат билан боғлаган бўлса керак.

Бундай дейишимнинг сабаби, ўша пайтда мусиқа билан, аниқроғи, пианино билан қаттиқ шуғулланардим. Куй сеҳри қалбимни эгаллаб олганди. Пианино клавишларини босганимда тараладиган оҳанглр мени бошқа оламларга олиб кетарди. Умуман, ҳаётим санъат билан боғлиқ кечган. Кейинроқ рақсга қизиқдим... Шунинг учун ҳам мен улاردан бирини танлашдим, ҳаётимни унга бағишлашдим керак эди. Мен ўшанда шоҳматни танладим.

— Кейин эса галабалар, шоҳсупалар...

— Йўқ-йўқ. Булар ўз-ўзидан бўлган эмас. Тинимсиз изланиш, меҳнат ва меҳнат. Мен масъулият деган тушунчани англашга ҳаракат қилдим. Дадам билан мен кеча-кундуз дебютлар устида беш қотираддик. Биргина пиёданнинг биринчи юриши ордидан фоялар чексизлиги келиб чиқарди. Ҳозир ҳам шундай. Мурабийим Антон Филиппов билан машғулотга киришсак, вақт қандай ўтганини билмай қоламиз.

— Дарвоқе, кун тартибингиз қандай?

— Ҳар куни соат 12 дан 18 гача шоҳмат машғулот. Соат 19 дан 20 гача аэробика билан шуғулланаман. Ҳафтада бир кун, албатта театрга бораман. Биализмиз, театр саҳнасида баъзида ўзимни кўраман. Саҳна воқеликларига берилиб кетиб, шу ҳолатда мен қандай йўл тутар эдим, деган саволга жавоб ахтараман. Севган машғулотларимдан яна бири китоб мутолаа қилиш. Ҳозирги кунда япон ёзувчиси Исикава Такубоку асарларини ўқияман. Ундаги фалсафий қарашларни англашга ҳаракат қиламан. Яна Габриэл Гарсия Маркес ижоди мени ром этади. Ўзбек шеърятига ҳам жуда қизиқаман.

Сингилларим Хулкар ва Гулруҳбегим билан шоҳмат ўйнаб катта бўлганмиз. Имконият туғилиши билан уларга ҳам вақт ажратаман. Шоҳмат, санъат, адабиёт ҳақида кўпроқ гаплашамиз...

Хулкар ва Гулруҳбегим Тоҳиржоновалар ҳам оласиздан бориб, шоҳматни танлаган. Хулкар қатор турнирлар голиби ва совриндори бўлса, Гулруҳбегим 2011 йилда Бра-зилияда ўтган 12 ёшгача қизлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида 3-ўринни эгаллаган.

— Сиз қайси аёл шоҳматчиларга ҳавас қиласиз?

— Нона Гаприндашвили, Майя Чибурданидзе нафақат узоқ йиллар шоҳмат тожини ўзида сақлаб тургани билан, балки чин инсоний фазилатлари билан ҳам тарихда қолганлар. Ўзим болгариялик жаҳон чемпиони Антуанета Стефанова ва аслида хитойлик, лекин Қатар номидан ўйнайдиган яна бир жаҳон чемпиони Жу Чен билан шахсан танишман.

— Келгуси режаларингиз қандай?

— Шу йил дунёнинг энг кучли аёл шоҳматчилари ўртасида икки йил давом этадиган 6 босқинчи Гран при мусобақаси бошланади. Бутун фик-

ру ҳаёлим шу турнирга қаратилган. Чунки унинг голиби аёллар ўртасида хозирги жаҳон чемпиони, украиналик Анна Ушенина билан шоҳмат тожи учун курашиш ҳуқуқини қўлга киритади. Шу Гран прида муваффақиятли қатнашиш учун тайёргарлик кўрялман.

Президентимизнинг, халқимизнинг ишончини оқлаш учун шоҳматда юксак натижаларга эришишим керак. Биламан, хозир Хитой, Ҳиндистон, Украина каби кўплаб давлатларда ёш иқтидорли шоҳматчи қизлар вояга етишяпти. Уларга қарши жаҳон чемпионлиги учун кураш осон бўлмайди. Лекин мен ҳам бу курашда ёлғиз эмасман. Юртбошимизнинг гамхўрлигини ҳар дақиқа ҳис этиб тураман.

Биз опа-сингилларнинг мақсади-миз битта — ўзбек қизларидан биринчи халқаро гроссмейстер бизнинг оиламиздан чикдими, ўзбек қизларидан биринчи жаҳон чемпиони ҳам бизнинг оиламиздан чиқади!

Муҳаммадҷон ОБИДОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.



MUASSIS: Бош муҳаррир биринчи ўринбосари Фаррух ҲАМРОЕВ

ТАҲРИР НАҲ'АТИ:

Abdulla ORIPOV	Murodulla ABDULLAYEV	Muslihidin MUHIDDINOV
Latif G'ULOMOV	Ulug'bek MUSTAFOYEV	Ochilboy RAMATOV
Sharbat ABDULLAYEVA	Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari)	Saidahmad RAHIMOV

BO'LIMLAR: Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-11-49; Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45; Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55; Jamiatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56; Sport va vakolparvarlik — 233-44-55; Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kofitbiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy. Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Navbatchi: Erkin XOLBOBOYEV

Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633

1 2 3 4 5